



XVIII аср бошларига келиб Фаргонада янги ўзбек давлати - Кўкон хонлиги ташкил топди. Бу давлат ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутди. Биз бу ерда Кўкон хонлиги аҳолисининг этник таркиби ҳақида маълумот беришни жоиз деб билдик.

Маълумки, Фаргона водийси ва унга туташ ҳудудлар аҳолиси азалдан полиетнийлик хусусияти билан Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидан ажралиб турган. Бундай этник ўзига хослик, Кўкон хонлиги даврида ҳам сақланиб қолган эди.

Кўкон хонлиги ҳудудида асосан ўзбеклар, тожиклар, киргизлар, уйғурлар ва қорақалпоқлар истикомат қилганлар. Бундан ташқари хонлик ҳудудида сон жихатидан қамроқ бўлсада яҳудийлар, татарлар ва бошқа этник жамоа вакиллари ҳам яшар эдилар.

Ўзбеклар. Ўзбеклар Кўкон хонлиги аҳолисининг асосий қисмини ташкил қилган.

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, XX аср бошларига қадар ўзбекларнинг бир қисми ўтроқ, қолган қисми эса яримўтроқ (яримқўчманчи) ҳолда яшаганлар. XX аср бошларига келиб, водий ўзбекларининг 828 мингдан зиёдроғи ўтроқ ҳолда яшаб, дехқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан машғул бўлганлар. Рус тилидаги адабиётларда аҳолининг ушбу ўтроқ қисмига нисбатан «сарт» этноними қўлланилади.

Бирок, кейинги йилларда ўзбек халқига нисбатан бу этнонимни қўлланилиши тўғри эмаслиги ва ушбу этноним мазкур халққа паст назар билан, қамситилиб қараш нуқтаи-назаридан, русийзабон тадқиқотчилар томонидан илмий истеъмолга олиб қирилганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар баён этилмоқда.

Ўзбек халқига нисбатан «сарт» этнонимининг қўлланилиши, тарихий ҳақиқатга зидлиги, ўзбек халқига ушбу этноним ҳеч қачон ўз халқининг номи сифатида қўлланилмаганлиги ҳақида жаҳидчилик ҳаракатининг намояндаси Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам ўз даврида таъкидлаб ўтган эди.

Турли уруг-қабилавий тузилишга эга бўлган яримўтроқ (ярим қўчманчи) ўзбекларнинг водийдаги умумий сони ўша давр маълумотларига кўра 215 минг нафардан кўпроқни ташкил этган. Булар ичида турк, минг, қипчоқ, қурама, юз, найман қабилар Кўкон хонлиги ҳудудидаги йирик этнографик гуруҳлар ҳисобланган. Ушбу уруг-қабилалар ўзбек халқини консолидациялашувида муҳим этник компонентлар сифатида қатнашдилар.

Тожиклар. Тожиклар Кўкон хонлиги ҳудудидаги аҳолининг салмоқли қисмини ташкил қилганлар. Улар асосан водийнинг гарбий ва шимоли-гарбий қисмида жойлашганлар. Тожикистоннинг ҳозирги Сўғд вилояти ҳудудида тожиклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этадилар. Айни вақтда Кўкон хонлигининг бошқа бир қатор манзилгоҳларида ҳам улар гуҳ яшаганлар.

Этнографик адабиётларда Фаргона водийсида яшаган тожиклар шартли равишда икки гуруҳга – воҳа тожиклари ва тоғлик тожикларга ажратилади. Воҳа тожиклари – бу ушбу ўлканинг азалий халқларидан бири бўлиб, қатор этник хусусиятлари билан Кўкон хонлиги даврида ва ундан кейинги даврларда ҳам бошқа этнослардан ажралиб турган. Тоғли тожиклар Кўкон хонлиги ҳудудига асосан Тожикистоннинг тоғлик ҳудудларида жойлашган Мастчоҳ, Коратегин, Дарвоз, Кўлоб, Хисор каби жойлардан кўчиб келганлар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, кўплаб тоғли тожиклар Кўкон хонлиги кўшинларида хизматда ҳам бўлганлар. Масалан, Ниёзмухаммаднинг «Тарихи-Шохрухий» асарида кўрсатилишича, XIX аср бошларида Кўкон хони Олимхон ташкил этган янги кўшин таркибида 6000 дан зиёд тоғлик тожиклар бўлган.

Киргизлар. Тарихий манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, XVII ва XVIII асрларда Тяньшан тоғининг шимолида яшовчи киргизларнинг катта гуруҳи Фаргона эрларига келиб ўрнашдилар.

Турли уруг-қабилавий тузилишга эга бўлган киргиз этноси ҳам Кўкон хонлиги ҳудудидаги тоғ ва тоғолди манзилгоҳларида яшаб, водийнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этганлар.

Уйғурлар. Уйғурлар Шарқий Туркистоннинг энг қадимги туркий этнослардан бири ҳисобланади. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан, айниқса XIX асрда Хитой феодалларига қарши кўтарилган мусулмонлар кўзғолони мағлубиятга учрагандан кейин Шарқий Туркистоннинг кўплаб мусулмон аҳолиси, хусусан жуда кўп уйғур оилалари Фаргона водийсига қочиб ўтдилар.

XIX асрнинг ўрталаридаёқ Кўкон хонлигида 300 мингга яқин уйғурлар яшаган.

Тадқиқотчи И.В. Захарова ҳам 1860-йилга қадар Кўкон хонлиги ҳудудида 200-250 минг қўшарликлар яшаган бўлса керак, деб ҳисоблайди.

Қорақалпоқлар. XVIII асрдан Бухоро хонлигида юз берган сиёсий инқироз кўплаб халқларни бу ҳудудни ташлаб кетишга мажбур этди. Оқибатда Бухоро ва Самарқанд аҳолиларида яшаган аҳолининг бир қисми Кўкон хонлиги ҳудудига келиб ўрнашди. Хусусан, Сирдарёнинг ўрта оқимида яшаб турган қорақалпоқлар Кўкон хонлиги ҳудудига келиб қўним топдилар. Кўкон хонлиги ҳудудига кўчиб ўтган қорақалпоқлар Сирдарё ва Қорадарё бўйларида ўрнашиб, анъанавий хўжалигини юритишни давом эттирдилар. Ҳуллас, Кўкон хонлиги ўзининг этник киёфасининг турли-туманлиги билан ҳам характерланади. Ҳолбуки, бундай этник турли-туманлик водий аҳолисини ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожланишида муҳим омиллардан бири бўлган.

У. Абдуллаев, т.ф.н.